2016 ЙИЛ 20 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 262 (13.325)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Тошкент давлат аграр университетида 2016 йил фан, таълим, маданият, спорт ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритган иқтидорли талаба-ёшлар, фаол профессор-ўқитувчилар тақдирланди.



ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Университет ректори Б.Сулаймонов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши, замонавий таълим-тарбия олиши ва ўз истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида замон талабларига тўла мос келадиган миллий таълим тизими яратилди.

Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳияти, кенг тафаккури ва зеҳни билан дунё аҳли ҳавасини уйғотмоқда.

Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш, маҳсулотларни интенсив усулда етиштириш, замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш борасида қатор ютуқларга эришмоқда.

2016 йилда университетнинг уч талабаси "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди, Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган "Мен диний экстремизм таҳдидини қандай тушунаман?" мавзуидаги иншолар танловида зоотехника ва ипакчилик факультети талабаси Моҳинур Жўраева фахрли ўринни қўлга киритди. Талабалар фан олимпиадасида университетнинг агрономия факультети талабаси Жамолиддин Эшонқулов муваффақиятли қатнашди. Пойтахтимизда ўтказилган "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги Ёшлар ҳафталиги доирасида ташкил этилган "Тафаккур синовлари" танловида университетнинг "Агроислоҳотчи" жамоаси 2-ўринни эгаллади. Бунда университетда талабалар учун яратиб берилган шарт-шароит, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўқув жараёнларига татбиқ этилгани муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилда олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловида ўқитувчи Сайёра Мирзаева, "Энг намунали хотин-қизлар" кўрик-танловида Маҳмуда Ёқубова фахрли ўринларни эгаллади.

Йиғилишда ўзининг фидокорона меҳнати, ўқишда, ишда, илм-фан, ижод, маданият ва спорт соҳасида эришаётган улкан ютуқлари учун бир гуруҳ ёшлар тақдирланди. Йигит-қизлар юртимизда ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишларини таъкидлади.

А.ҚИЁСОВА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни йўллашменга мамнуният бағишлайди.

Сайловда ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга ва Сизнинг раҳбарлик салоҳиятингизга бўлган юксак ишончининг ифодасидир. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистонда тараққиёт ва фаровонлик йўли давом эттирилишига ишонаман.

Покистон Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини ғоят юксак қадрлайди. Бу алоқалар кўп асрлик диний, маданий ва тарихий ришталар билан мустаҳкамланган. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам янада ривожланиб бораверишига аминман. Бу борада Сиз билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёрман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият билан,

Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислом Республикаси
Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклаб, халқингиз фаровонлиги ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Самарали ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларимизни инобатга олиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида барча соҳалардаги ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтариш учун Сиз билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрман.

Самимият билан,

МУҲАММАД VI,
Марокаш Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Малайзия ҳукумати ва халқи номидан Сизни Президент сайловида ғалаба қозонганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга мамлакатни янада тараққий эттириш, фаровонлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қодир раҳбар сифатида юксак даражадаги ишончидан далолатдир.

Ўзаро самарали муносабатларни янада кенгайтириш мақсадида яқин ҳамкорлик қилиш учун Сиз билан учрашишни сабрсизлик билан кутаман.

Дўстона муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб, халқларимиз манфаати йўлидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олишига аминман.

Ҳурмат билан,

Дато Сри Мохд НАЖИБ,
Малайзия Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Хорватия Республикаси фуқаролари ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман.

Ушбу масъулиятли лавозимда мамлакатингиз тараққиёти ва халқингиз фаровонлиги йўлида муваффақиятли фаолият олиб боришингизга ишонаман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамкорлигимизни, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги алоқаларимизни янада кенгайтириш мақсадида Хорватия – Ўзбекистон муносабатларини изчил ривожлантиришимизга ишончим комил.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Колинда ГРАБАР-КИТАРОВИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Фаластин давлати, халқи ва шахсан ўз номимдан чин дилдан самимий табриклашга рухсат бергайсиз. Ўзбекистон халқининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қадрлаймиз, халқларимиз умумий манфаати йўлида барча соҳалардаги муносабатларни бундан буён ҳам кенгайтириш ва ривожлантиришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Республикаси Фаластин халқини доимо қўллаб-қувватлашини юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари, энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон ва унинг халқига тараққиёт, фаровонлик тилайман.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик Ташкилоти
Ижроия Қўмитаси Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

"Чайна рейлвей танел груп" бошқаруви раиси – **Юй Баолин**

Япония фан ва технологиялар агентлиги президенти – **Мичинари Хамагучи**

"Агротек" компанияси президенти, жамоат арбоби (Австрия) – **Борис Кандов**

Германия – Ўзбекистон жамияти президенти – **Вольф Бауэр**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар, чет эл капитали иштирокида тузилган корхоналар фаолиятини рағбатлантириш учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолат, имтиёз ва имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Икромов, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Д.Абдуазизов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратди, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54,6 фоиз, саноатда 43,8, экспортда 31,8 ва инвестицияларда 38,3 фоизгача ошди.

Анжуманда Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни янада яхшилаш, хорижий инвесторлар ва чет эл капитали иштирокида ташкил қилинган корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш учун тартиб-таомилларни янада қисқартириш, сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш мавзуларига бағишланган маърузалар тақдим этилди.

Тадбир иштирокчиларига юртимизда хорижий инвесторлар ва уларнинг ҳуқуқлари ва маблағини ҳимоя қилиш бўйича яратилган шароитлар, иқтисодиётимизнинг халқаро ҳамкорлик учун жозибадор бўлган муҳим ва ривожланаётган тармоқлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

– Биз бугун кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик, – дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Кумар. – Ўзбекистонда хорижий сармояни жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳити ва шароитлар яратилган. Айни пайтда юртингизда Ҳиндистоннинг юзга яқин компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида замонавий ва миллий меъморий ечимга эга фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФҲДЁ)нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 380 миллион сўм бўлган ушбу муҳташам бинода фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими билан бирга нотариал идора ҳам фаолият кўрсатади. Янги бинонинг никоҳ маросимлари ўтказиладиган тантаналар зали, ҳужжатларни расмийлаштириш, архив ва нотариал идора ходимлари хоналарида замонавий шароитлар яратилган.

● Фарғона вилояти Риштон туманида "Соғлом фикрли ёшлар – юрт таянчи" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида тумандаги 45-умумтаълим мактабининг янги қурилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиши ёшлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Шунингдек, китоб ярмаркаси, турли спорт мусобақалари ва бир қатор лойиҳалар ташкил этилди.

● Сирдарёда "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда "Иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари", "Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифалар", "Ижтимоий соҳани молиялаштириш масалалари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● NASA космик обсерваторияси космик кенгликка соатига 3 млн.км. тезликда отилаётган плазмани суратга олишга муваффақ бўлди. Мутахассисларнинг маълум қилишларича, Қуёш атмосферасида коронал тешиклар кузатилмоқда. Плазманинг отилиб чиқиш оқибатлари Ерда ҳам сезилиб, магнит бўронларининг юзага келишига сабаб бўлади.

● Cronovo.Inc компанияси электрокардиограмма олиш имконини берувчи "ақлли" соатни яратди. Соатлар AMOLED дисплейига эга. Корпусга ўрнатилган электродлар юракнинг график тасвирини олади. Бу турдаги соатлар спортчилар ҳамда масофадан туриб беморлар билан ишловчи шифокорларга қўл келиши мумкин. Ушбу универсал соат қадамлар сонини, сарф қилинган калориялар миқдорини ўлчаш, уйқу, организмдаги кислород даражаси ва юрак уриши частотасини кузатиш имконини беради.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси ҳам ушбу долзарб масалага бағишланди.

Мажлисда Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Б.Ёқубов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Бош қомусимиз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиёт барпо этишнинг мустаҳкам пойдеворига айланганини таъкидлади.

Конституциямизда "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилган. Бош қомусимиз фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугун инсон манфаатларини ишончли таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланишини давр тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида қайд этганидек, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган ҳақиқат партия фаолиятида ҳам тамомила акс этиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Аҳоли билан мулоқот қилишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бу партияни фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлишга ундайди. Айни пайтда турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ноқонуний текширувларига чек қўйиш, уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминоти, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш каби масалаларни самарали ҳал этишда иштирокини кучайтиради.

– Яна бир муҳим вазифа – давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан жой олган, ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган, одамлар турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган мақсадли дастурлар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишдир, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Адҳам Шодмонов. – Шу билан бирга, қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсирини кучайтириш, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу фуқаролар, тадбиркорлар ва чет эл сармоядорларининг мамлакатимиз қонунчилик тизимига ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда аҳоли, партия электорати билан ишлаш самарадорлигини янада юксалтириш лозимлиги қайд этилди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва унинг депутатлик корпуси олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларига олий қадрият сифатида қаралишини таъкидлади. Одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш муҳим аҳамият касб этади.

2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинишида ҳам чуқур маъно мужассам.

Йиғилишда қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, бевосита халқ билан мулоқотлар ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқчил қонунларни ишлаб чиқиш, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш учун парламент ва депутатлик назорати механизмларидан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Фракция аъзолари томонидан қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини ошириш, аҳоли билан ўзаро ахборот алмашиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Қўшма йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар давлатимиз раҳбари маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг юқори самараси, эришилаётган марраларнинг асосий омиллари аниқ рақам ва далиллар асосида чуқур таҳлил этилиб, партия ва депутатлар олдида турган вазифалар белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади.

Ҳар бир йилга ном берилиши ва унга мос равишда Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш учун тегишли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда унинг асосида муайян соҳани модернизация қилиш сиёсатини юритишга асос бўлмоқда. Кириб келаётган 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ана шу анъаналар муносиб давом эттирилаётганининг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари маърузаларида баён қилинган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилгани ва мазкур дастурдаги устувор вазифалар хусусида сўз борди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этиш мақсадида партиянинг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган "Жамоатчилик қабулхоналари" фаолиятини замонавий ахборот тизимига ўтказиб, самарали ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. "Жамоатчилик қабулхоналари"да давлат ҳокимияти вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлар томонидан фуқаролар қабул қилиниши ва пайдо бўладиган муаммоларни амалда ҳал этиш учун ҳуқуқий кўмак беришни йўлга қўйиш лозимлиги белгиланди.

– "Жамоатчилик қабулхоналари" орқали ҳокимлар, тегишли мутасаддилар аҳолининг мурожаатларини тингласа, унинг ечимини топишга ҳаракат қилса, бу мамлакатимиз янада обод бўлишига, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев. – Бундай қабулхоналар сиёсий партиялар фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлишини таъминлайди ҳамда аҳолининг кенг қатлами билан янада яқинлаштиради.

Кўрилган масалалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, партиянинг марказий ва минтақавий кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

* * *

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши раиси Н.Умаров ва бошқалар давлатимиз раҳбари маърузаларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттиришга қаратилган кўпқиррали ва муҳим устувор вазифалар илгари сурилганлигини таъкидлади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди.

Фракция аъзолари Президентимиз маърузаларида алоҳида қайд этилган қонунларни амалга ошириш механизмларини яратиш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар, қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаётгани, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолаётгани ҳақидаги танқидий фикрларидан тегишли хулоса чиқариш ва ушбу масалага жиддий ёндашиш зарурлигига эътибор қаратди.

Қабул қилинаётган қонунларни халққа, ижрочиларга етказиш, ижро механизмларини янада кучайтириш, қонунларда белгиланган ваколатлардан фойдаланиб, парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда тегишли масалалар юзасидан мансабдор шахслар эшитувини тизимли равишда ташкил этиш, амалга оширилган ишларни партия нашрларида ёритиб бориш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

– Барча даражадаги раҳбарларнинг фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларга жиддий эътибор қаратиши ва ўз вақтида жавоб қайтариши, уларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш ҳақидаги бугунги кун учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи фикрлар депутатларга ҳам ўз фаолиятига янгича масъулият билан қарашни талаб қилади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғани Умиров. – Аввало, турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш масалаларида давлат бошқаруви органлари масъул ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мажлисда Президент маърузаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши марказий аппарати ва ҳудудий кенгашларида доимий асосда фаолият олиб борадиган "Халқ қабулхоналари" ҳамда партия расмий веб-сайтида виртуал қабулхона ташкил этиш, ушбу механизм аҳолининг кенг қатлами ва электорат билан алоқаларни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши, шунингдек, 2017 йилга Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб ном берилиши муносабати билан партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг келгуси йилга мўлжалланган иш режаларини тузишда эътибор қаратилиши зарур бўлган йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзА

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашувини чеклаш муҳим ҳисобланади.

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, уларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида давлат томонидан самарали механизм яратилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгиланди. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш бўйича давлат ҳокимияти органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилди.

Хусусан, қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилаши, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа ахборот билан таъминлаши лозимлиги кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-тамойиллари тўғрисида"ги қонунда рухсат бериш тартиб-тамойиллари тадбиркорлик субъектлари учун ошкора, очиқ ва тушунарли бўлиши кераклиги, ваколатли органлар рухсат бериш тартиб-тамойиллари масалалари юзасидан тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра бепул тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар бериши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириши лозимлиги қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса улар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини кўрсатди.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари (юридик шахснинг тугатилиши, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида текширувлар бундан мустасно), шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барчаси бекор қилинади.

Шунингдек, Фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, бир қатор Қонунларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган.

Зиёдхўжа АГЗАМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Учтепа туман бўлими катта инспектори



ФАОЛИЯТ ЛИЦЕНЗИЯЛАНИШИ ЛОЗИМ

Мустақиллик йилларида республикада замонавий миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, эстрада ижрочиларининг профессионал маҳоратини ошириш ҳамда иқтидорли ёш хонандаларни кашф этиш учун барча зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди. Эстрада ижрочиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадиий жиҳатдан юксак мусиқа асарларини кенг тарғиб қилиш таъминланмоқда.

Мазкур соҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 декабрдаги "Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низом, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи ставкалари ҳамда концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган.

Шунингдек, ушбу қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши юзасидан қатъий ва мунтазам назоратни амалга оширилиши, айбдор шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишини таъминлаш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 388-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахслар концерт-томоша фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия оладиган юридик ва жисмоний шахслар белгиланган ставка бўйича давлат божи тўлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддасига кўра, лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ТЕЖАМКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг кўламда имкониятлар ва имтиёзлар яратилиши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий инфратузилма ривожланишини электр энергиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида ишлаб чиқаришда энергия тежамкор ускуна ва қурилмалардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини пасайишига таъсир кўрсатиш билан биргаликда мамлакат табиий бойлигини самарасиз ва нооқилона фойдаланишдан ҳам асрайди. Шу ўринда бугунги кунда бутун дунёда энг тежамкор ҳамда экологик жиҳатдан ҳавфсиз ва тоза бўлган диодли лампалар республикамизда ишлаб чиқарилиши истиқболимизни яна бир ютуқларидан десак адашмаган бўламиз.

Диодли лампалар ўзидан аввалги қатлам лампаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга, яъни чўлғамли лампаларга нисбатан 10 карра, энергия тежамкор газли лампаларга нисбатан 3 карра электр энергиясини кам истеъмол қилади, ишлаш соати 3-5 карра юқори, кучланиш ва иқлим ўзгаришига кам таъсирлидир.

Электр энергиясини тежаш ҳамда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида барча соҳадаги ёритиш қурилмаларида диодли лампалар ўрнатилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор қонунлар, қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича босқичма-босқич ишлар олиб борилмоқда.

М.УСМАНОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ФИДОЙИСИ

"Эркин Воҳидов ижоди ва миллий маънавият" деб номланган мазкур тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, сўз санъати мухлислари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Мараҳимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири С.Саййид, адабиётшунос олимлар, филология фанлари докторлари Ҳ.Болтабоев, Н.Жабборов, шоирнинг фарзанди Х.Воҳидов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан бошлаб берилган миллий адабиётимиз равнақи йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатиш, ижод аҳлининг самарали меҳнат қилиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ҳам маънавий-маърифий ислоҳотларнинг узвий қисмига айланганини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори забардаст шоиримизнинг бой ижодий меросини ўрганиш, унинг навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва таъсирини кенгроқ тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидовнинг мафтункор, теран фалсафий мазмун-моҳиятга эга, миллий руҳ билан йўғрилган шеърияти кириб бормаган хонадон топилмаса керак. Унинг "Нидо", "Палаткада ёзилган достон", "Руҳлар исёни" каби достонлари, "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Келажакка мактуб" номли шеърий тўпламлари халқчиллиги, самимияти боис китобхонларнинг кўнгил мулкига айланган.

Э.Воҳидов ижодига бағишланган тадбирнинг айнан Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, шоирнинг ижодий камолоти, фаолияти мазкур олий таълим даргоҳи билан чамбарчас боғлиқ.

– Халқимизнинг суюкли шоири билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, – дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Озоджон Қувондиқов. – Э.Воҳидов айнан университетимизда таҳсил олиши билан бирга шу даргоҳда кўплаб шогирдларининг камол топишига фаол ҳисса қўшди. Устоз шоиримизнинг шеърлари юртпарварлик, ҳалоллик, одамийлик, камтарлик, меҳнатсеварлик фазилатларини тараннум этгани билан ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Тадбирда шоирнинг ибратли ҳаёт йўли, фаолияти, дилбар шеърияти хусусида сўз юритилди. Унинг ибратли фазилатлари билан боғлиқ ёрқин хотиралар ёдга олинди. Талабалар томонидан шоир ижодидан намуналар ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК КУЙЧИСИ

"...Менинг шеъриятга ошно бўлишимда шоир Ғайратий тўгараги, устоз Миртемир семинари, дорилфунундаги ижодий муҳит катта таъсир қилган. Ёшлигимда мени қуршаган одамлар классик адабиёт муҳиблари эдилар. Агар мен ёзган шеърларда, сиз айтгандек, "дилбар оҳанглар" бўлса, бу ўша дилбар одамларнинг суҳбатлари меваси бўлади".

Бу иқтибос Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўз ижоди ҳақида айтган фикрлари. У шундай дилбар оҳанглар билан ватанпарварлик, тинчлик, ҳурлик, адолат, саховат, гўзаллик, эзгулик, софлик каби эзгу фазилатларни улуғлаган ижодкор. Унинг "Тонг нафаси", "Қўшиқларим сизга", "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Лирика", "Ёшлик девони", "Достонлар", "Ҳозирги ёшлар", "Муҳаббат", "Тирик сайёралар", "Бедорлик" каби тўпламларида бу янада ёрқин ифодасини топган.

Тошкент давлат стоматология институтида ўтказилган "Эркин Воҳидов – ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент давлат стоматология институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва бошқалар Эркин Воҳидов ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

– Эркин Воҳидов халқимизга ўзидан бой бадиий мерос қолдирди, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси Сайёра Тўйчиева. – Унинг шеърлари инсон кечмиши, руҳий олами ва маънавияти билан ҳамоҳангдир. Бундай ҳолат шоирнинг нафақат ўз асарлари, балки Э.Воҳидов томонидан Гёте, Шиллер, С.Есенин, Р.Ҳамзатов, Л.Украинка, А.Блок ва бошқа адиблар асарларидан қилинган таржималарда ҳам яққол сезилиб туради.

Тадбирда "Эркин Воҳидов – ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси", "Адибнинг ўзбек шеъриятидаги ўрни", "Эркин Воҳидов – нафосат куйчиси" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шоир шеърларидан ўқилган намуналар кўнгилларга шукуҳ ва завқ бағишлади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА



АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА МАРОҚЛИ ЎТДИ

Яхши шоир ва бир вақтнинг ўзида элга манзур бўлган пьесалар ёзувчи драматург бўлиш жуда кам инсонларга насиб этувчи ноёб иқтидордир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Дўстлик" ордени соҳиби Ҳайдар Муҳаммад ҳам шундай инсонлар сирасига киради.

Ўзбек миллий академик драма театрида Ҳайдар Муҳаммад таваллудига 80 йил тўлиши ва барча ижодий жамламаларининг "Табассум Шоший айтган ҳангомалар" номли учинчи жилдининг тақдимотига бағишланган ижодий кеча ҳам сермазмун ва қизиқарли тарзда ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғофур Шермуҳамедов, адабиётшунослар Ҳамиджон Икромов, Тоир Исмоилов, ўзбек театр санъатининг етакчи намояндаларидан Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Ёдгор Саъдиев, Фатхулла Маъсудов, Турғун Бекназаров ва бошқалар ўз дил сўзларини изҳор этиб, ўзбек адабиёти ва санъатида ўз ўрнига эга шоир ва драматургнинг юздан ортиқ шеърлари етакчи ҳофизларимиз томонидан ижро этилгани, "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Бобурнинг йигитлиги", "Куёв танлови", "Хотинлар гап"идан чиққан ҳангома" пьесалари даврлар синовидан ўтгани ҳолда ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, "Тошкентнинг нозанин маликаси" спектакли эса 5 минг марта саҳна юзини кўриб ўзига хос рекорд даражага етганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Тадбирга йиғилганлар "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Хотинлар гап"идан чиққан ҳангома" спектакларидан парчалар, Юлдуз Абдуллаева, Малика Болтабоева, Шуҳрат Дарё ва бошқа санъаткорлар ижросида Ҳайдар Муҳаммад шеърлари асосида яратилган қўшиқларни мароқ билан тинглашди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 25 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Яшнобод туман СИБ томонидан Пискент туман ИИБнинг 18.06.2016 й № ИР-0032759-сонли ижро ҳужжатига асосан "ГБАСПГ ВАЗ-21011" русумли, енгил, бежевый (жигарранг), 1979 йилда и/ч, т/н, д/б 01С094DA автотранспорт воситаси б/б – 4 690 192 сўм. Сергели туман СИБ томонидан ЖИБ Сергели туман судининг 18.04.2016 йилдаги №1-319/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, "AUDI SERVIS PLUS" МЧЖда сақланаётган "Нексия-Донс" русумли, енгил, оқ рангли, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01D809VA бўлган б/б – 27 292 920 сўм. ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 29.10.2013 й №1-803/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда сақланаётган Ваз-21011 СПГ русумли, енгил, оқ рангли, 1978 йилда и/ч, т/н, д/б 01О347JA бўлган б/б – 2 075 830 сўм. Тошкент шаҳар Учтепа туман СИБ томонидан Тошкент шаҳри хўжалик судининг 27.06.2016 йилдаги 23654/23-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар Сергели тумани, 22-уйда сақланаётган Нексия русумли, енгил, фил суяги рангли, 2014 йилда и/ч, т/с, д/б 01483TTD бўлган б/б –28 000 000 сўм, Нексия русумли, енгил, фил суяги рангли, 2014 йилда и/ч, т/с, д/б 01474TTD бўлган б/б –28 000 000 сўм, Нексия русумли, енгил, фил суяги рангли, 2014 йилда и/ч, т/с, д/б 01477TTD бўлган б/б –28 000 000 сўм, Нексия русумли, енгил, фил суяги рангли, 2014 йилда и/ч, т/с, д/б 01475TTD бўлган б/б –28 000 000 сўм. Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 23 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

